



Ҳисобот учун сўз сизга, ўртоқ, старшина!

Самарқанд трикотаж фабрикасида гаройиб учрашув бўлиб ўтди. Меҳнат жамоаси олдида... Милиция старшинаси С. Х. Сувоқулов ҳисоб берди.

1987 йилда ўрта мактабни битиргандан сўнг, Соли Сувоқулов шу корхонанинг йиғирув цехига ишга келди. Армия хизматидан кейин ҳам кадрдон жамоасига қайтди. У хизмат давомида старшина унвонига сазовор бўлган эди. Ўтган йили эса у жамоа тавсиясига биноан ички ишлар идораларига — йўл-назорат хизмати алоҳида батальонига йўлланма олди.

Еш милиция ходимининг ҳисоботи қисқа чиқди. Бу тушунарли албатта: ўзинг

ҳақингда гапириш қандайдир ноқулай. Ундан кейин сўз Самарқанд вилоят ҳокимияти ИИБ милиция йўл-назорат хизмати алоҳида батальони командирининг ўринбосари, милиция майори У. М. Муҳиддиновга берилди.

— Бир йил қисқа муддат, албатта, — деди у. — Лекин ишга жон-дили билан киришилса, шу вақт ичида ҳам одам ўзини кўрсата олиши мумкин. Соли бунинг улдасидан чиқди. Хизматни виждонан бажарди, ташаббускор. Бир ўғрилиқнинг олдини ола билди.

— Еш ходим нима учун ҳисоб бераётганини тушутириб ўтиш керак, — деб ўйлайман, — дея сўзида да-

вом этди У. М. Муҳиддинов. — Милиция билан жамоатчилик ўртасидаги алоқа деган тушунча бор. Бугунгига ўхшаш ҳисоботлар шундай алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Устига-устак ходимларимизнинг халқ олдидаги масъулиятини оширади.

Фабрика йиғирув цехининг бошлиғи Ф. Умаров ўз шогирди — С. Сувоқулов ҳақида илиқ гаплар айтди. Корхона маъмурий-ҳўжалик бўлимининг бошлиғи, истеъфодаги милиция подполковниги М. Т. Ҳамроев эса йўл-назорат хизмати гуруҳи маълум кунларда фабрикага ёндош ерларда наватчилик қилишларини сўради. Милиция ходимлари бу илтимосни бажаришга ваъда бердилар.

С. ЗОҲИДОВ,
Самарқанд вилоят ҳокимияти ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш бўлими матбуот бюросининг катта назоратчиси, милиция капитани.
Суратда: С. Сувоқулов кийинлар орасида.

АВВАЛО ҲАМКОРЛИК КЕРАК

Ҳозирги кунда истеъмол бозори ҳаммаминини ташвишга солиб қўйди. Шунинг учун ҳам барча маъмурий идораларнинг фаолияти иқтисодий ва истеъмол бозоридаги вазиятни соғломлаштиришга қаратилган.

Иқтисодий ҳаётимизни юксалишига, аҳолини истеъмол моллари билан таъминлаш ишларига путур етказайтган ҳар қандай ноқонуний ҳаракатларга қарши курашни кучайтириш ва барча имкониятлардан тўла фойдаланиш лозим.

Шунингдек, давлат мулкни талон-торож қилиш, порахўрлик, мансабни суистеъмол қилиш ва бошқа ноқонуний ишларга, қарши кураш олиб бориш барча маъмурий органлар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Кейинги пайтларда иқтисодий жиноятларга қарши кураш олиб боришда вазирликлар, бошқарма ва бирлашмаларнинг назорат-тафтиш идоралари билан ҳамкорликда катта уюшган жиноий гуруҳлар очиб ташланди ва давлат мулкни талон-торож қилиш фаолиятига чек қўйилди. Бу борада кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ҳозирги кунда прокуратура билан ички ишлар идоралари биргаликда иш олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан текширишларга тўқнаш қилувчи ва халақит берувчи кучлар камаяди; иккинчидан қонунбузарчилик ҳолларига чек қўйилади; учинчидан ишларнинг натижаси ва профилактик таъсири яхшиланади.

Ички ишлар вазирлигининг идораларида тергов қилинаётган жиноий ишлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш шуни кўрсатдики, давлат мулкнинг катта миқдорда талон-торож қилиш ва бошқа шу каби жиноятлар ушбу корхоналарда кўплаб содир бўлмоқда. Масалан, 1991 йилда ширкатлар соҳасида 447 жиноят содир этилиб, давлатга 4,5 миллион сўм зарар етказилган; 1992 йилнинг 1 чорагида бу соҳада 169 та иқтисодий жиноят содир этилган бўлиб, ундан давлатга етказилган зарар 19,7 миллионга етди.

Ҳўжалик ҳисобидаги «Коинот-Космос» кўп тармоқли марказнинг раҳбарлари Н. Ибодов, Ш. Зиямовлар бир неча кичик корхоналар раҳбарлари билан тил бириктириб давлатнинг 20 миллиондан ортиқ пулини талон-торож қилганлар. Фақатгина икки операция йўли билан 8,7 миллион сўмни ўзлаштирганлар.

«Ўзбекистон» оёқ кийимлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош ҳисобчиси Богданова ўз хизмат вазифасини суистеъмол қилиб «Механизатор», «Модерн», «Птица» ва бошқа ширкатларнинг раҳбарлари билан келишиб олиб, қалбаки шартномалар тузиш йўли билан 3 миллиондан ортиқ пулни ўғирлаганлар.

Иқтисодий жиноятларга қарши кураш олиб боришда молия вазирлиги, давлат назорати идоралари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Аммо бу борадаги ишларимиз ҳозирги кун талаби даражасида эмас. Бундан кейинги ишларимизда ана шундай ҳамкорликларимизни бартараф этиб, назорат қилиш идоралари билан хизмат алоқаларини кучайтириш ва режалар асосида ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Яхшимурот ЖУМАНИЕЗОВ,
ИИБ ИЖК бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги.

Иш дастури белгиланди

15 июлда Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси доимий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шу йилнинг ўтган биринчи ярмида вилоятдаги оператив вазият ва жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи муҳокама қилинди.

Кенгашда Ўзбекистон Президенти маҳкамасининг масъул ходими А. С. Козлов, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Р. Ҳ. Ҳайдаров, ИИБ Штабнинг бошлиғи, ички хизмат подполковниги Ш. М. Мавлонов, Тошкент вилояти ҳокимиятининг ўринбосари Б. Мақситов, вилоят прокурори А. М. Маннонов, бошқарма бошлиғининг ўринбосарлари, бўлимлар ва хизматларнинг бошлиқлари иштирок этдилар.

Кенгашнинг вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция генерал-майори Насриддин Исмоилов кириш нутқи билан очди.

— Вилоят ички ишлар идораларининг ходимлари, — деди у, — шу олти ой мобайнида жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликка қарши

курашни яна кучайтирдилар. Вилоятнинг деярли барча шаҳарлари ва районларида «Комплекс», «Тун» махсус тадбирлари ўтказилди. Махсус ҳисобларда турган шахслар билан олиб борилаётган профилактика ишлари яхшиланди, жиноятларнинг олдини олиш, содир бўлганларини очиш ва тергов қилишга эътибор кучайтирилди.

Бундан ташқари вилоят милицияси ходимларининг ҳар қандай вақтда ва шароитда хизматга шай бўлиши кўп марта синодан ўтказилди. Улар жумҳуриянинг бошқа вилоятларида ҳамда республика пойтахтида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш ишларида фаол қатнашдилар.

Ўз вақтида кўрилган тадбирлар натижасида вилоятда ўтган ярим йил давомида жиноятчилик унчалик кўтарилмади, рўйхатга олинган жиноятлар сонига аниқ 3,3 фоизга ошди. Қасддан одам ўлдириш, товланмачилик жиноятлари аввалги йилнинг биринчи ярмидаги кўрсаткичлар даражасида қолди. Оғир тан жароҳати етказиш, босқинчилик, номусга те-

гиш, талончилик, қасддан ўт қўйиш ҳоллари, жиноий безорилик, ўлим билан туғган автохалокатлар ва бошқа жиноятлар миқдори олдинги йилга нисбатан анча камайди.

Ўтган ярим йил мобайнида вилоят ички ишлар идоралари томонидан жамоат жойларида ва кўчаларда жамоат тартибини сақлаш борасида амалга оширилган тадбирлар, йўл назорат хизмати фаолиятининг кучайтирилганлиги ўз самарасини берди.

Шундан сўнг нотиқ вилоят ички ишлар идоралари ходимларининг шу кеча-кундузда амалга ошираётган ишлари хусусида батафсил ҳикоя қилиб берди.

Кенгашда Бекобод район ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция подпол-

ковниги О. Алимбетов, Қўрай район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Ким, Тошкент район ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги Ҳ. Олимхўжаев, Чиноз район ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги С. Темиров, Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги В. Окель, Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги Т. Ашурметов ва бошқалар сўзга чиқишди. Улар бугунги кунда иқтисодий қийинчилик келтириб чиқараётган жиноятларни ўз вақтида, излари совумасдан очиш ишларини ташкил қилиш, ҳар хил жиноятнинг келиб чиқиш са-

баблари, жамоат ташкилотлари, турли корхоналар томонидан берилган ажратмалар ҳисобига ишга қабул қилинган участка вакиллари ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари тўғрисида гапирдилар.

Муҳокама натижалари бўйича қарор қабул қилинди. Унда кенгашда ўртага ташланган барча камчиликларни бартараф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Олий Кенгашининг сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатлари ва уюшмаларига, Ўзбекистоннинг барча аҳолисига Мурожаати ўқиб эшиттирилди ва уни маъқуллаб бир овоздан қарор қабул қилинди.

Мурод ТИЛЛАЕВ.





ИШ ТАЖРИБАСИДАН ЛАВХАЛАР



СУРАТДА: Шайхонтохур район қўриқлаш бўлими 1-МҚП бошлиғи, милиция капитани И. Ғуломов ўзига ишониб топширилган техникани текширмоқда.



● 1-МҚП оператори (ўнгдан) Н. Лихачева, Н. Лизина, Г. Кожуховлар ўз иштини маҳорат билан бажармоқдалар.



● (чапдан) хизмат бўйича бошлиқ ўринбосари милиция капитани С. Канинов ва қўриқлаш бўлимининг техника бўйича бошлиқ ўринбосари катта лейтенант Г. Чиснаков транспорт воситаларини кўриқдан ўтказишпти.



● Шайхонтохур райони ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани А. Раҳимжонов ва қўриқлаш бўлими бошлиғи А. Каримов радио воситалари муаммолари билан банд.

БЎЛИМНИ КИМ БОШҚАРМОҚДА?

Қўриқлаш ишларини бажарувчи милиция бўлинмалари ёки бошқачасига айтганда РИИБ қошидаги қўриқлаш бўлинмалари деганда кўпчиликнинг кўз ўнгига ўғирлик ва талон-торожга қарши курашувчи хизмат ходимлари келади. Марказлаштирилган қўриқлаш ускунасига ташвишли хабар келиши биланоқ, «Кўзғал» буйруғини олган қўлга тушириш гуруҳи жиноят қилинаётган ёки қилиб бўлинган ерга шамол тезлигида етиб боради.

Шу билан уларнинг иши тугайдими? Бу саволга жавоб олиш учун биз Шайхонтохур РИИБ қошидаги қўриқлаш бўлими иш тажрибасига мурожаат қилдик. Унга бошлиқ вазифасини бажарувчи милиция катта лейтенанти Абдували Каримов раҳбарлик қилмоқда. Дарвоқе, олдиндан шунга айтиб қўйиш керакки, бу бўлимда жуда қизиқ, айтиш мумкинки, ғайри табиий ҳол юзага келган — раҳбарларнинг ҳаммаси «вазифасини бажарувчи» лавозимида. А. Каримовдан ташқари бошлиқ ўринбосари, милиция капитани Саттор Каленов, бошлиқнинг техника бўйича ўринбосари, милиция катта лейтенанти Вадим Чеснаков ҳам «вазифасини бажарувчи»лар.

Албатта, шундай ҳоллар бўладими, хизмат ўрни бўшаб қолади ва уни кимдир вақтинча бажариб туриши керак бўлади. Одатда бундай ҳоллар раҳбарият, шу лавозимга тайинланаётган кишининг имкониятларини яна бир марта текшириб кўрмоқчи бўлган пайтларда юзага келади. Келинг, ҳозир гап бораётган бўлимда юзага келган вазиятнинг сабаби ҳам шундами-йўқми, таҳлил қилиб ўтирмайликда, яхшиси бу ўзи қандай хизмат эканлигини очиб берувчи фактларга мурожаат этайлик.

Январь. Бўлим район миқёсида ўтказилган «Комплекс-1» тадбирларида иштирок этди. Халқ хўжалиги объектлари, шу жумладан 10 та саноат ва 11 та савдо тармоғи текширилди. 9 та объектнинг техник томондан жиҳозланиш даражаси кўриб чиқилди. Турли қонунбузарликлар учун РИИБга 7 киши, шу жумладан майда ўғирлик учун икки киши олиб келинди. Битта жиноят — тан жароҳати етказилганлиги очилди. Текшириш, кўриб чиқиш, майда ўғирлик

учун қўлга олиш, юқорида айтиб ўтганимиздек, «Қўриқлаш» бўлинмаларининг вазифа доирасини белгилловчи чегарадай туюлди. Аммо тан жароҳати етказиш жиноятини очиш-чи?

Тошкентликларга ҳам, пойтахтимиз меҳмонларига ҳам Навоий кўчасида жойлашган савдо растанлари — «Ярмарка» яхши таниш. Бу ерда доимо гавжум, келди-кетти кўп. Шунинг учун қўли эгрилар, олиб қочарлар ҳам оч бўридай изғиб юришади. Келеслик йиғирма олти яшар Рустам Пулатов ана шундайлардан бўлиб чиқди. Н. И. Айдарбекованинг бошидаги телпак унинг кўзини ўйнатиб юборган эди. Агар бу ерда 3-МҚП (марказий қўриқлаш пулти)нинг милиция кичик сержанти Ислон Қўчқоров ҳамда оддий милиция ходими Бахт Тилегеновдан иборат қўлга олиш гуруҳи шу пайтда бу ерда бўлмаганида аёл бош кийимсиз қолиши ҳеч гап эмасди.

Агар юқорида келтирилган мисол баъзиларга бачканадай туюлса — нима бўпти, битта ўғрини ушлабди-да, дегандай — қотилликни очиб «Қўриқлаш» бўлинмаси ходимларининг моҳирона ҳатти-ҳаракатларидан далолат беради. Гап ана шу 3-МҚП тўғрисида, унинг қўлга олиш гуруҳи ҳақида кетмоқда. Тўғри, бу сафар гуруҳнинг таркиби бошқача эди.

Шайхонтохур (у пайтда Октябрь деб аталарди) район ҳокимияти ИИБ муниципал ротасининг ходими милиция сержанти Наби Айбусов «Чорсу» меҳмонхонаси ёнидан ўтаётганида соат тахминан 22 эди. У муштлашаётган икки йигитни кўриб, уларни ажратмоқчи бўлди. Оқибатда қорнидан пичоқ еди ва касалхонада жон берди.

Жиноятчи қочиб кета олмади. Уни 3-МҚП гуруҳи — милиция сержанти К. Олимов, милиция кичик сержанти С. Абдалов ҳамда милиционер-ҳайдовчи А. Сарсенов қўлга олишди.

«Излар босилмасдан» кўрилган чоралар оқибатида... Милиция хўжжатларида кўп учрайдиган бу иборанинг замирида тезкорлик, мураккаб вазиятда ўзини йўқотмаслик қобилияти ётадики, бу ўз хизмат вазифаларини бажараётган милиция ходимларини, шу жумладан МҚП аъзоларини ҳам энг яхши томондан таърифлайди.



● Катта сержант М. Имомов. У ҳозиргина ўғирланган пуллари эгасига қайтаришга ёрдам берди.

Метронинг «Навоий» бекати ёнида кимдир дўқ-пўписа қилиб ўн биринчи синф ўқувчиси Неъмат Асқаровнинг пулини олиб қўйган. Бу ҳолда ҳам қўриқлаш бўлими бошлиғи ўринбосари вазифасини бажарувчи милиция капитани С. Каленовнинг РИИБ ЖҚБ ходимлари билан биргаликда «излар босилмасдан» кўрган чоралари оқибатида бировнинг саккиз сўмига кўз олайтирган киши қўлга олинди.

Ичиб олган ҳолда одамларни ҳақорат қилган ёки калтаклаган безориларни қўлга олиш ҳоллари ҳам учраб туради. Милиция кичик сержантлари А. Жакселиков, А. Аширбеков ва ҳайдовчи Р. Туёқбоевлардан иборат 2-МҚП гуруҳи «Хадра» бекатидан ўтаётганларидан ҳам шундай бўлди. Улар саёҳатчилар йўлланмаси билан Тошкентга келган Мўғилистон фуқароси Намдагин Амарсайхонга ҳужум қилган Х. Т. билан К. С. ни қўлга олишди.

«Қўриқлаш» бўлинмаларининг ходимлари пултдан қачон «ташвишли хабар» келаркин деб кутиб ўтиришмайди. Абай билан Навоий кўчалари кесишадиган жойда назорат қилиб юрган қўриқлаш бўлими ротаси 1-взводининг ходимлари сержантлар А. Олимов, А. Тиллаев ҳамда старшина Б. Қаландаровга «Бир зумда» қаҳвахонасининг мудири А. Ҳасанов ёрдам сўраб мурожаат қилганида кечаси соат бир эди. Унинг арзишга биноан қаҳвахонанинг ойнасини синдириб, 600 сўмлик шарбат ва мурabbo ўғирлаб қочган икки киши ушланди. Улар пойтахтимизга санқиб келиб қолган ва қандайдир йўл билан тил топишган Нижний Новгород вилоятидаги Балахна шаҳрилик Данил Ляшчук ҳамда қизил ўрдалиқ Азамат Калитонов экан.

Гап йўқ, қўриқлаш бўлими ходимларининг хизмати тўла-тўқис техникага, қўриқлаш мосламасига боғлиқ. Лекин объект қўриқланишга топширилмаган тақдирда ҳам МҚП гуруҳлари доим хушёр юрадилар. Мана бир мисол. Милиция сержантлари Н. Абдушукуров, М. Йўлдошев, Т. Роишевлардан иборат 1-МҚП гуруҳи генерал Узоқов кўчасидан кетаётганларида ГАЗ—52 автомашинасига кондинционер билан совутгич юклаётган икки номаълум шахсга кўзлари тушиб қолди. Улар ушланганда, қўлга олинганлардан бири дарҳол айбига иқроор бўлди. Шерикларини ўтаётган тергов аниқлаб беради.

Қўриқлаш хизмати бўлинмалари хизмат фаолиятларига беvosита алоқаси бўлмаган бу мисолларга мурожаат қилишимиз бекиз эмас. Милиция хизматининг ўзига хос хусусияти шундаки, қайси тармоққа тегишли бўлмасин, у энг аввало жамоат тартибини ҳимоя қиладди, қонунбузарликлар ёнидан бепарво ўтиб кетишга ҳаққи йўқ. Шайхонтохур РИИБ қошидаги қўриқлаш бўлими бошлиғи вазифасини бажараётган Абдували Каримов суҳбатимиз давомида аини шу ҳақда гапирди. Хўш, хонадонлар соҳиблари билан тузилган шартнома бўйича қўриқлаш ишларининг аҳволи, ишончилиги қандай?

— Рўзнома мухлислари бу ҳақда яхши тасаввур ҳосил қилишлари учун бир нечта мисол келтирай, — дейди А. Каримов. — Уша куни соат 12 дан 27 дақиқа ўтганда Марказ-14 да яшовчи хонадон соҳибаси А. Шиманова 3-МҚПга хонадонини топширган. Бир кундан кейин у телефон қилиб, уйига ўғри тушганини хабар қилди. Номалум шахслар уйга айвондаги мослама ўрнатилмаган ва очик қолдирилган деразадан кирганлиги маълум бўлди. Уй жиҳозларини 6 минг сўмга баҳолаб, шартнома тузаётганида А. Шиманова фақат кириш эшигига мослама ўрнатиш мизни сўраган, дераза ва бошқа эшикларни ускуналашимизга қарши бўлган. Демак, бу воқеадан қўриқлаш бўлими ҳеч қандай моддий жавобгарликка эга эмас.

Яна бир мисол. Соат 9 да Б. Ф. Грайзберг хонадонини 3-МҚПга топширган. Соат 10 дан 7 дақиқа ўтганда пультага огоҳлантирувчи хабар келади. Бошқарув пультасининг навбатчиси Г. Гулян олинган хабарни рўйхатдан ўтказиб, қўлга олиш гуруҳи — милиция сержанти Б. Калиев, А. Сарсенов, Б. Тилегенов ва старшина Калдарбековга беради. Воқеа содир бўлган жойга етиб келган гуруҳ кириш эшиги бузилганини кўради ва МҚП билан қўриқлаш бўлими раҳбариятга хабар қилади. РИИБдан қақирилган оператив-тергов гуруҳи хонадонга ҳеч ким кирмаганини ва хонадондаги буюмларга ҳеч ким тегмаганини аниқлади. Уй эгаси келгач, буюмлар бошқатдан текшириб чиқилди ва ҳеч нима йўқолмагани ҳамда хонадон соҳибасининг қўриқлаш бўлимига даъвоси йўқлиги тўғрисида маълумотнома тузилди.

Бу хонадонни биз 1988 йилдан бери қўриқлаймиз. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, қўриқлаш бўлими ҳодимлари фавқулодда шайқошларда ишлашларига тўғри келади.

Бешёғоч мавзеидаги хонадондан 3-МҚПга соат 12 дан 29 дақиқа ўтганда огоҳлантирувчи хабар келди. Бошқарув пультасининг навбатчиси О. Ячменникова уни рўйхатдан ўтказиб, қўлга олиш гуруҳига етказиш учун бошқа навбатчи — О. Белозеровага беради. Милиция сержанти Б. Абдалов, кичик сержантлар К. Олимов ва Т. Қазаевлардан иборат гуруҳ дарҳол воқеа содир бўлган жойга етиб келади. Кириш эшиги бузилганини кўради, жиноятчилар қочиш кетиши мумкин бўлган йўлларни тўсишади. Тезкор ва ладил ҳаракат қилган гуруҳ шу уйнинг тўққизинчи қаватидаги хонадон ҳожатхонасига яшириниб олган 1976 йилда туғилган Ф. К. билан 1972 йилда туғилган А. У.ни қўлга олади. Дарвоқе, ўтказилган тергов давомида улар шу куни эрталаб шу мавзедаги бошқа хонадонга ҳам ўғирликка тушганлари аниқланди.

Нима ҳам дердик, Шайхонтохур РИИБ қошидаги қўриқлаш бўлимида ғалати вазият юзага келган. Унинг бошлиғи ва бошлиқ ўринбосарлари вазифаларини бажарётганлар ёш йигитлар, погонларидаги юлдузчалар ҳам катта эмас. Аммо асосийси шундаки? Асосийси, иш бажарилмоқда. Улар раҳбарлик қилаётган бўлим ўз зиммасидаги вазифани ушламоқда.


К. СЕРГЕЕВ.



● Қўлга олиш гуруҳи воқеа содир бўлган жойга ошқмоқдалар.



Милиция сержантлари Е. Бозорбоев ва В. Тулегенов огоҳлантирувчи воситаси ишлаб кетган хонадонга етиб келишди.



● Жиноятчи қўлга туширилган пайт.

Суратларни Б. МИРЗАРАҲИМОВ тайёрлаган.



**ИШ ТАЖРИБАСИДАН
ЛАВҲАЛАР**

«Такси» операциясидан

ТАДБИР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Сал илгариларийёқ такси ҳайдовчиларига номалум шахслар тез-тез ҳужум қилаётганликлари маълум бўлган эди. Ҳайдовчилар ҳаттоки кечаси ишга чиқишдан ҳам бош тортдилар...

Ана шунинг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ икки ойдан бери «Такси» операциясини ўтказмоқдалар. Биз шу масалада шаҳар ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи милиция подполковниги Шораҳим Мансурович Расуловга бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— Ўртоқ подполковник, тadbирни ўтказишда асосий вазифа нима?

— Ҳаммага аёнки шаҳримизда, айниқса кечалари қолаверса куппа-кундузи босқинчилар таксини бошқараётганларга «хунар»ларини кўрсатиб «шилиб» кетишаверишли. Оқибатда такси ҳайдовчилари ишдан бўйин товлагача бордилар.

Биз такси парки раҳбарлари билан келишиб, юқоридаги жиноятчиликни олдини олиш учун кечаю-кундуз ушбу сермашақат аммо самарали «операция»лар олиб бормоқдамиз.

— Мана, тadbир 2 ойдан бери ўтказилаётган экан, 60 кун ичида қандай натижаларга эришилди? Қанча жиноятчи қўлга олинди?

— Ҳар қандай меҳнатнинг самараси бор, албатта. Биз жамоатчилик орасида фикрни ўзгартиришга эришдик. Қўлга олинганлар ҳам бор. Такси ҳайдовчиларининг шикоятларига ўрин қолмапти. Ҳодисалар ҳозир онда-сонда учраб турибди. Тadbиримиз хали ҳам давом этмоқда. Ҳамма районлардан милиция ҳодимлари жалб этилган. Қандай вазифа юклатилгани, фақат ўзларига маълум, ҳалос.

О. МАХМАДУСУПОВ.

Самарали бўлур эди

Участка вакили ўзига бириктирилган ҳудуднинг ҳам қўриқчиси, ҳам терговчиси, ҳам эпчил изқуваридир. Бир сўз билан айтганда, — халқнинг суянчи, ўз навбатида унинг суянчи эса халқ, кенг жамоатчиликдир. Ана шу икки куч ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши биргаликда курашар экан, бу улкан ютуқларга олиб келиши муқаррар.

Шу йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида вилоят бўйича 1899 та жиноят содир этилган бўлиб, участка вакилларининг шахсан ўзлари томонидан 294 та, улар иштирокида эса 699 та жиноятни очишга муваффақ бўлинди. Бу самараларни қўлга киритишда айниқса, Файзулла Хўжаев, Тўқимачилик ва Гиждувон туманлари участка вакилларининг ҳиссаси катта бўлди.

Бунда милициянинг штатсиз ходимлари ва ишончли шахсларнинг ёрдамидан вунмил фойдаланилмоқда. Жорий йилнинг 5 ойи мобайнида улар ёрдамида 193 та жиноят фож этилди.

Бухоро шаҳридаги Файзулла Хўжаев тумани ИИБда 31 нафар участка вакили бўлиб, йилнинг ўтган даври мобайнида улар томонидан майда безорилиги учун 200, майда чайқовчилиги учун 17, майда ўғрилик учун 21, паспорт кондасини бузганлик учун 354, рухсат этиш кондаларини бузганлик учун 26, тозалик кондаларини бузганлиги учун 102 шахс ушланиб, расмийлаштирилган.

Милиция участка вакиллари кенг жамоатчиликни ҳам бу эзгу ишга жалб этмоқдалар. Файзулла Хўжаев тумани ҳудудида ҳаммаси бўлиб 22 маҳалла қўмитаси ва бир кишлоқ кенгаши жойлашган бўлиб, аҳоли участка вакиллари билан ёнма-ён туриб жамоат тартибини сақлашга ва қонунбузарликка қарши курашда фаол қатнашиб келмоқда. Маҳалла қў

миталари ва уларнинг жамоаси билан ҳисобот даврида ҳаммаси бўлиб бўлим ходимлари ва раҳбарлари томонидан 120 дан ортиқ суҳбат ва маърузалар ўтказилган. 130 дан ортиқ фуқароларни ариза ва жиноятларини участка вакиллари билан текширилиб, ундан ташқари маъмурий органлар томонидан юборилган 128 фикрномалардан 83 таси яшаш жойларида муҳокама қилиниб, тadbирий чоралар қўрилган.

Яна шунинг айтиш лозимки, Файзулла Хўжаев тумани ички ишлар бўлимидаги участка вакиллари билан 6 нафарига хизмат хоналари етишмайди, масалан, «Варахша» ва «Бухоро» меҳмонхоналари атрофидаги Отбозор кишлоқ Кенгаши қошидаги Бухоро саёхатчилар базаси ҳамда Комсомол кўли атрофидаги, Бухоро тиббиёт олий билимгоҳи атрофидаги участка вакиллари билан хонаси йўқ. Хизмат хонаси билан таъминланган участка вакиллари билан 5 нафарига телефон йўқ ва шу билан биргаликда 12 киши узоқ қишлоқ туманларидан қатнаб хизмат қилаётган бўлса-да, 1991 ва 1992 йилларда на туман ҳокими ва на шаҳар ҳокими томонидан биронта ҳам участка вакилига хизмат уйи ажратилмаган. Бу эса жамоат тартибини сақлашга ва жиноятчиликка қарши курашда салбий таъсир кўрсатмоқда. Уларни ҳам вилоятнинг бошқа туманларидаги ҳамкасбларини ҳам худди шунга ўхшаш муаммолар қийнаб келади.

Юқорида қайд этиб ўтилган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилса, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида янада самаралироқ натижаларга эришиш мумкин бўлур эди.

Зикрилла НЕЪМАТОВ.

Бухоро вилояти ИИБ штаби инспектори, милиция катта лейтенанти.

НАВОИЙ

ҚОНУНГА БЎЙСУНМАГАЧ...

9 июль куни бир гуруҳ қамоққа олинганларни қариндош-уруғлари вилоят ҳокимияти биноси олдида тўпланиб, маҳбусларни тезда озод қилишларини ҳокимиятдан талаб қилишган. Акс ҳолда одамларни йиғиб, ҳокимият биносини тошбўрон қилишларини айтишган. Улар қатъий туриб олганлар. Ҳокимият томонидан айтилган гаплар қор қилмаган.

Тезда тартиб ўрнатиш учун милиция ходимлари етиб келдилар. Уларнинг қонуний талабларига бўйсунмаганидан сўнг, йиғилганлар шаҳар

ИИБга келтирилди. Тартиббузарларга нисбатан қогоз ҳужжатлаштирилиб, чора кўришга, шаҳар халқ судига юборилди. Суд эса икки кишига 7-10 кун қамоқ жазосини, 3 кишига 1000 сўмдан жазима белгилаб, қолганлар огоҳлантирилди.

Шубҳа остига олинган «Навоийгорторг» директори 7 июль куни Ўзбекистон Республикаси жиноят мажмуасининг 119 моддаси 1 бандига мувофиқ қамоққа олинди. ЗИЕД.

Хизматларда

ЖК

ИЗҚУВАРЛАР

Тақдир ўйинини қарангки, бир вақтлар ҳеч ким тил теккизолмаган, «осойишта-лигимиз посбонлари», деб алқанган милиция ходимла-рини ҳам ошқоралик ва де-мократия туфайли танқид қилувчилар кўпайиб кетди. Яширмаслик керак, одамлар орасида ҳуқуқ қўриқчилари ҳақида турли хил гап-сўз-лар, уйдирмалар, миш-миш-лар ва айни пайтда ҳақиқат гаплар ҳам оралаб юрибди. Кимдир уларни ўриларга шерикликда айблайди, ким-дир ҳуқуқий билимсизликда, кимдир қонун бузувчиликда. Аммо, ҳақиқат шуки, улар тиним билишмайди, ўз им-кониятларига яраша қўлла-ридан келган барча ишни бажаришади. Кимники улар-га иши тушса, милиция хо-димларининг ҳам фидойили-гини, жонқуярлигини сезади. Айрим миш-мишчилар эса очилмасдан қолаётган жино-ятларни айнан милиционер-ларга боғлаб талқин қилиш-монда. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ҳамма соҳа одамлари каби улар ораси-да ҳам ношудлари, бир амал-лаб кун ўтказиб юрганлари, ҳуқуқий билимсизлари бор. Бироқ, улар кеча-кундуз иш-лашади. Уларнинг узлуксиз ишлари баъзан қадрланади, баъзан йўқ.

Милиция ходимларини кў-пинча изқуварлар, деб ата-шади. Бу гапда ҳам жон бор. Ким қандай гапирмасин, милиция керак, у ишляпти, у жиноятчиларга қарши ку-рашляпти, у из қуваляпти. Ва, айни пайтда, бир талай муваффақиятларга ҳам эришмоқда.

Нишон тумани ички иш-лар бўлими бошлигининг муовини, милиция подпол-ковниги Бўрон Бўриев билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. У киши ҳам милиция шаънига айтилаётган миш-миш ва ҳа-қиқатларни тўғри қабул қи-либ, одилона тушунаркан.

ЖИНОЯТЛАР
ТАФСИЛОТИ

1991 йилнинг 24 апрель кунини эди. Янги Нишон ша-ҳрида яшовчи фуқаро Райҳон Зокирова уйини ўғри урган-лиги ҳақида ички ишлар бў-лимига хабар қилди. Зудлик билан тузилган оператив гу-руҳ ушбу ҳонадонда бўлди. Уйнинг эшиги лом ёрдами-да қўпорилган. Чинни буюм-лар шодаси олиб кетилган. Гувоҳ йўқ, из йўқ. Уй бека-си бирорта одамдан гумон-дор эмаслигини айтди. Бир неча кун синчковлик билан олиб борилган суриштирув ишлари ҳам натижасиз туга-ди. Ушбу ўғрилик бўйича жиноят иши қўзғатилдию аммо очилмасдан қолаверди.

30 ноябрда яна Янги Ни-шон шаҳрида ўғрилик рўй берди. Аммо, бошқа ҳона-дон — Анор Абдуллаевнинг уйида. Уй эшиги синдирил-ган, худди биринчи галдаги-дек. Кийим-кечаклар, паль-то, қимматбаҳо этиклар ўғирланган. Яна оператив гуруҳ, яна текширув, яна суриштирув ишлари. Аммо, натижасиз.

НОТАНИШ ШОФЕР
ХИКОЯСИ

— Янги йилнинг бошлари эди, — дейди Бўрон ака. — Ошхонада уч-тўрт улфатнинг қизгин суҳбатлари беихтиёр эътиборимни тортди. Ора-сирада Ш. номи тилга оли-нарди. Уни кўнларга кўта-риб мақташиб, пулдор йигит дейишарди. Ҳеч нарсадан беҳабардек гурункта қулоқ тута бошладим. Маълум бў-лишича, нотаниш йигит шир-кат таксичи экан. У. Ш. ки-ра қилиб Нишондан Деҳқон-ободга, сўнгра Олмалик ва ундан ўш шаҳрига борган-ларини, алам бало иш ба-жарганлари, магнитофон-лар, қизлар, жувонлар, пул-лар ҳақида гапириб мақта-нарди. Ш. унга катта пул тўлаганлигини алоҳида уқ-тирди. «Демак, бу ерда бир сир бор». Ўзимча шундай хулосага келдим...

Худди ана шу хулоса иш-ларни тезлаштириб юборди. Изқуварлар бир из олишса бўлди, кейин у ёғи осон кў-чади. Магнитофон билан боғлиқ жиноятлар ўша, чинни идишлар билан боғ-лиқ жиноят эса Шаҳрисабз-га бориб тақалди. Ўғирлан-ган буюмлар зудлик билан ўша ёққа олиб жўналган. Шаҳрисабз шаҳрига кираве-ришда кўприк ёнида ширкат дўкон бор. Чинни идишлар-ни ана шу дўкон ходими со-тиб олган экан.

— Дўконга туйқусдан бор-дик, — дейди Бўрон ака. Уч-тўртта олифта, башанг ки-йинган йигитлар суҳбатла-шиб туришган экан. Даст-лабки суҳбатлардан натижа чиқмади. Сотувчи чинни-бу-юмлар сотиб олмаганлигини айтди. У нуқул осмондан ке-лар эди. Мажбур бўлиб Шаҳрисабз шаҳар ички иш-лар бўлимига олиб бордик. Сўнгра, тўғри Нишонга эл-дик. Бу ерда у айбини бўй-нига олди. Қандайдир нота-ниш йигитлардан бир тур-кум чинни идишлар харид қилгандим, деб кўрсатма берди. Ўғрилар билан шир-кат ходими юзлаштирилган-да, улар бир-бирларини «ту-шунинишди». Аниқроғи, бош-қа иложлари ҳам қолмаган-ди. Чунки, чинни идишлар аллақачон топилганди.

Ҳа, айб эпизодлари тўлиқ айбланувчининг бўйнига қў-йиб берилса, бошқа илож қолмайди. Бунинг учун эса изқуварликнинг ҳадисини олиш, синчковлик, ҳушёрлик талаб этилади. Ўғрилар бир киши эмасди. Уларнинг ҳам-маси ушланди. Уларга нис-батан Ўзбекистон Республи-каси ЖМнинг 125-модда учинчи банди билан жиний иш қўзғатилди. Очилмасдан қолган жиноятни фош этиш-да эса изқуварлардан мили-ция подполковниги Бўрон Бўриев, жиноят қидирув бў-лими оператив вакили Аб-душуккур Мўминов, тергов бўлимининг бошлиғи Ўктам Ҳайдаровлар матонат кўр-сатиб ишляшди.

Демак, астойдил ишланса, из қувилса, синчковлик кўр-сатилса, ҳушёрлик қилинса

жиноятлар изсиз кетмас экан. Янги Нишон шаҳрида-ги 2 та ишнинг очилиш таф-силоти бунга ёрқин мисол-дир.

«МЕНИМЧА, УСТА
ОДАМНИНГ ИШИ...»

23 февралга ўтар кечаси Чароғил қишлоғида жойлаш-ган тикувчилик цехида ўғри-лик содир этилди. У ердан 1 та тикув машинаси, бир-қанча эҳтиёт қисмлар ўма-риб кетилганди. Воқеа жойига ички ишлар бўлими-нинг оператив гуруҳи етиб борди. Дастлабки кунин нати-жа чиқмади. Одамларда эса ўғрилик очилмайди, ўғри то-пилмайди деган тушунча пайдо бўлди.

Эртаси кун гуруҳ аъзо-лари яна воқеа жойига ке-лишиб, Б. Бўриев бошчили-гида иш бошланди. Воқеа бундай бўлган: дераза ой-наси жуда эҳтиёткорлик би-лан олиб қўйилган. Ёрда эса 3-4 та мих ётибди. Омбур билан суғурилганлиги шун-доққина билиниб турибди. Оёқ билан ишлатиладиган тикув машиналари йиқитил-ган. Энг керакли қисм — мокилари ечиб олинган. Ҳар бир из, ҳар бир ҳолат син-чиклаб текширилди. Гуруҳ аъзолари шундай қарорга келишди: ўғрилик тунда со-дир этилган, ишни олдиндан бу ерларни кўриб юрган одам қилган, михлар ҳам, ойна ҳам жуда эҳтиёткорлик билан олинганки, бу уста одамнинг иши бўлса керак.

Гуруҳ аъзолари барча ҳо-латларни ўрганиб чиқишгач, Бўрон Бўриев маълум бир хулосага келдию ходимлар-га шопилинч топшириқ бер-ди: «Ўғри шу яқин ўртада, узоққа кетмаган, ушлаш мумкин».

Бошлиқнинг қатъий ҳук-ми ходимларни анча довди-ратиб қўйди. Аммо, топши-риқ бажарилмоғи керак. Би-ринчи навбатда устачилик билан шуғулланадиган ки-шилар суриштирилди. Қиш-лоқ одамлари чилангар Александр Калмоновнинг шу ҳунар билан шуғуллани-шини айтишди.

— Етарли маълумотлар тўпланган, — дейди Бўрон ака. — Тўғри Александр иш-лайдиган цехга бордик. Разм солдим, ранги ўчиниради. Чунки чақирилмаган «меҳ-мон»лар ташриф буюришган-ди-да. Шу ердан 2 та моки топдик. Орадан икки со-атлар ўтганди, гумондор қа-булимга киришини айтибди. Олиб келишди. Ўз ишим би-лан жуда банддек эътибор-сиз ўтиравердим. «Шугина ўғрилик учун ҳам қамай-сизларми?», — деб сўраб қолса бўладими. Демак, бар-ча айбини бўйнига олибди.

Ҳа, иқдор қилиш керак. Ана шундагина иш осонла-шади. Турли хил шикоятлар, аризалар, ёзишмалар бўл-майди. А. Калмонов устидан Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 114-моддаси учинчи банди билан жиний иш қўз-ғатилди.

Жалол ЯХШИБОВ,
журналист.

Рўйхатга олинмоқда

Шу кунларда жумҳуриятимизнинг турли районларида автомашиналарни рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлимаси ҳайдовчилар билан гавжум. Ҳамма машина-ларини техник ҳолатдан ўтказишга ошиқмоқда.

Фарғона вилояти Риштон районлараро автомобиллар-ни рўйхатга олиш ҳамда имтиҳон олиш бўлимаси, Сўх, Олтиариқ, Бағдод ва Бувайда туманларига ҳам хизмат қилмоқда.



Суратда: бўлима бошлиғи, милиция майори Абдува-ҳоб Мирзақулов, Олтиариқ тумани ишчиси Қаҳрамон Мирзаевага ҳайдовчилик гувоҳномаси талонини топшириш пайтини кўриб турибсиз.



Суратда: милиция катта лейтенанти Эркинжон Йўлчи-ев ҳайдовчи Ғайратжон Қозоқовга техник паспорт олиш учун махсус ҳужжатга имзо қўйдирапти.



Суратда: Риштон районлараро автомобилларни рўй-хатга олиш бўлимасининг техник паспорти ёзувчилари Н. Амиров ва Д. Абдуқодирова.

Ҳ. МЕЛИБОВЕВ олган суратлар.

КЕКСАЛАР ЭКАДИ, ЁШЛАР ЧЕКАДИ

Бугунги кунда наркотик ўсимликлар билан шуғул-ланувчилар анча кўпайиб қол-ди. Шунинг назардан қочир-маган туманимиз ИИБ хо-димлари яқинда бу борада текширув ўтказди ва хато қилмади.

Пшағор қишлоғида ёш иш бир жойга бориб қолган қар-риялар Турдихол Тожибоева ва Умрзоқ Ҳолиқуловлар-нинг бу иш билан шуғулдан-ишлари ҳеч кимни етти ух-лаб тушига ҳам кирган бўл-

маса керак. Бироқ ходимла-римиз бунинг аниқлашди ва тегишли жазоларни ҳам бел-гилашди.

Шунинг ажабланарлики, кўкнори билан шуғулланув-чиларнинг кўпчилигини кексалар ташкил этар экан. Жалойирлик 70 яшар Рўз-гул Абдуллаева, қанчалик 82 ёшли Умматой Қарши-ева, Зомин қасабасида (по-сёлка) истиқомат қилувчи 82 ёшли Фарида Ҳақназаро-валар кўкнори етиштириш-

ларини, албатта ҳеч ким ўй-ламаган ҳам. Бироқ ҳақиқат-дан кўз юмиб бўлмади, ёш-лар чекада, кексалар хиз-матда экани ҳам рост.

Хуллас, кексалар экади, ёшлар чекади, оқибати эса кўпчиликка аён.

Умумий майдони 9 квад-рат метрлик ўсимлик эса йўқ қилинди.

Икром ТОШБОВЕВ,
Зомин тумани ИИБ
бошлиғи ўринбосари,
милиция капитани.

Сиз кутман, кутмаган хабарлар

ҲИДОЯТ ЙЎЛИДАН БОРАЙЛИК

Давлат қонунларидан, ахлоқ-одобга оид Ҳадис намуналаридан беҳабар, қонун билан таъқиқланган, Ислон динида ҳаром саналган ишлар билан шуғулланувчи, жамият олдида, оилада ўз масъулиятини унутган инсонлар сафимизда бор экан келажгимиз, истиқболимизнинг нузли бўлишига кепсат бўлади.

Теварак-атрофимизда содир бўлаётган қотиллик, безорилик, ўғирлик каби иллатларнинг туб илдири кавлаб кўрилса, ҳеч шубҳа йўқки, албатта ичкилик ёки киморбозликка бориб тақалади.

Жорий йилнинг шу кунига қадар Тошлоқ тумани ҳудудида жиноятларнинг 62 фоизи арақхўрлик ва киморбозлик таъсирида содир қилинган. Шунинг учун ҳам туманимиз

да бу иллатларга қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Шу кунга қадар милиция ходимлари томонидан 271 нафар шахс кимор ўйнаганлиги, 90 нафар шахс эса жамоат жойларида маст ҳолда юрганлиги, 99 нафар киши транспорт воситаларини маст ҳолда бошқарганлиги учун ушланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Туманининг Чек, Бел, Бештол, Бесаранг, Коммунизм қишлоқларида яшовчи саккиз киморбозга нисбатан ЖМнинг 219-1 моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзгатилади. Разолатга ботаётган бандаларни ҳидоят йўлига бошлаш савобли эканлигини доимо ёдда сақлаш лозим.

Г. ТУРҒУНОВ,
милиция майори.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

СИЗГА ҲАМ БОҒЛИК

• Ёз фасли бошланиши билан шаҳарликлар дала ҳовлиларига отланишади. Ва айримлари...

Айримлари, тунончи Юқори Чирчиқ туманида жойлашган дала ҳовлиларининг эгалари баъзи нарсаларининг ном-нишонсиз йўқолганлиги гувоҳи бўладилар. Қараб-сизки, туман ИИБга кўнги-роқлар, аризалар оқиб келаяпти-да. Ходимларнинг бир оёғи у ёқда, иккинчи оёғи ИИБда, бўзчининг моқисидай ушбу ораликда югурган югурган. Бировнинг рангли телевизор, пойабзали, бошқасининг кийим-кечаги, фалончининг егулик аллам-балолари эшикдан эмас деразадан ошиб, қаёққадир гумдон бўлган.

Туман ИИБ ходимлари номаълум ўғриланинг шахсини аниқлашга муваффақ

бўлишди. Тугишга келганда...

Иш шунга тақалганда ёрдамга дала ҳовлиларининг қоровули шовилди. Чол тушмагурининг ҳушёрлиги туфайли анча вақтдан бери унинг назоратидаги уйчаларни «тозалаб» юрган йигитлар қўлга олинди.

Дастлабки тергов ҳаракатларига қараганда тўрт кишидан иборат мазкур жиноий гуруҳ 15 дан ортиқ ҳовлиларни ўмарган. Тахминларга кўра улар қўшни тумандаги дала ҳовлиларини ҳам назардан қочирмаган. Бу энди тергов жараёнида маълум бўлади. Қолгани жабрланувчи ва гувоҳларнинг ўз фуқаролик бурчларига қандай ёндошишига боғлиқ.

М. ИБРОҲИМОВА.

ҚУРУВЧИ ВА...
МЕҲР-ШАФҚАТ ЁРДАМИ

Мана бир неча йилки, Наманган шаҳар ҳокимияти Дўстлик шох кўчасидаги Янгибозорга қандай қилиб жон киргизиш ҳақида бош қотирди. Бу ерда ҳамма нарса кўнгилдагидек — рас-талар ҳам замонавий, ёнбо-шида хиёбон, автовокзал. Лекин халқ негадир бу ерга кам келади, Чорсудаги эски бозорни афзал кўради.

Лекин, бир кунги Янгибозорда ҳам тўс-тўполон бўлиб кетди. Шаҳар ички ишлар бўлимига дори олиш учун кўллаб одамлар навбатда турганини маълум қилишди. Иқтисодий жиноятларга қарши кураш бўлимининг бошлиғи Олимжон Эргашев ИЖКБ катта оператив вакили милиция капитани Шохид Камолов, оператив вакиллари, катта лейтенантлар Қодирхон Ниёзхўжаев ва Ҳакимжон Ҳожиевдан иборат оператив гуруҳ тузди.

Тўрттовлон Янгибозорга келишса, ҳақиқатан ҳам йўл ёқаси гавжум: териб ташланган дорилардан кўзи уйнайди кишининг.

— Дорилар қаердан келтирилган? — сўрашди милиция ходимлари.

— Киров шаҳри билан бартер (мол айирбошлаш) битими тузганми, томага ал-маштирдик, — жавоб қилди сотувчи. У Совет районидаги уй-жойлардан фойдаланиш участкаларидан бирининг ишбошиси экан.

— Битим ҳақида ҳужжатлар борми?

— Ҳа, ҳужжатлар жойида.

— Кўрсак бўладими?

Ишбоши чўнтагини кавлади, бу чўнтагини кавлади, ниҳоят:

— Ёдимдан чиқибди, уйда қолганга ўхшайди, — деди.

Бир неча соатдан сўнг қурувчи М. Х. шаҳар ИИБда жавоб берарди. 44 хил номли дорилар ҳам шу ерга келтирилди. Гемодез, корвалол, лидаза... Ҳозирги пайтда улар ўта тақчил ҳисобланади. Дорилар Тошкентда, Тюменда тайёрланган, кўчилиги Олмонияда, Жанубий Кореядан, Саудия Арабистонидан келтирилган. Фақат бир марта ишлатилган шприцларнинг ўзигагина уч минг сўмликдан кўпроқ эди.

М. Х. нинг бартер битими ҳақидаги сўзлари шунчаки қуруқ гап бўлиб чиқди. Энди у дориларни турли районлардан сотиб олганман, дея бошлади. Охир-оқибатда ишбоши дориларни Совет районидаги дорихоналарнинг биридан сотиб олгани маълум бўлди. Дорихона мудир аҳолига сотиш учун меҳр-шафқат ёрдамидан бир қисмини олган экан. Лекин текин пул уни ҳам йўлдан урган.

ИЖКБ бошлиғининг хонасида меҳр-шафқат ёрдами — дорилар солинган қутилар. Уларни болалар, бошчалари ва уйларида бериш ҳақида қарор қабул қилинди. Ишбоши ва унинг дорихоналардаги дўстларига қарши жиноий иш кўзгатилади.

М. СУЛАЙМОНОВ.

ФАРҒОНА

Фарғона вилояти Қувасой шаҳар прокуратурасининг терговчиси Нўмонжон Тўхлиев, шаҳар ИИБ ЖКБ бошлиғи, милиция катта лейтенанти Абдубанно Муҳаммадиев, оператив вакил, милиция капитани Жумабой Ёқубов ва участка вакили, милиция катта лейтенанти Саъдулла Абдуллаевлар олдида қийин вазифа турарди. Улар саккиз ёшли қизалоқ вафоти билан тутаган жиноятни очишлари керак эди. Унинг жасади солинган қоп темир йўл бекатидан сал нарида топилибди.

Ўтган йилнинг ёзи ҳар доимгидай иссиқ келди. Шунинг учун жасад ерга берилди ва оператив гуруҳ ишга киришди. Тахминлардан бири — қариндош-уруғларни топиш. Қизалоқ қандай оиладан йўқолиши мумкин? Сўраб-суриштиришлар ва шаҳар аҳолиси билан қилин-

ОНА УЙДА ЙЎҚ ЭДИ

ган суҳбатлардан сўнг, Қувасойдан ўтадиган темир йўл ёқасида кўп болали ёлғиз аёл яшаши маълум бўлди. Бу енгил табиат жувон навбатдаги «сафар»га отланар экан, беш боласининг емиши ҳақида ҳеч бир қайғурмай, ўзига оро бериб, уйдан чиқиб кетаверарди.

Оператив гуруҳ аъзолари шу хонадонга келишди. Қарашса, болалар тўрт киши. Бешинчиси — энг кичик қиз йўқ.

— Синглинг қани? — сўрашди милиционерлар катта акасидан.

— Билмайман, қаердадир ўйнаб юргандир-да, — деди у. Лекин ўн тўрт яшар ўспирининг кўзлари бежо, ниманидир яшираётгани шундоққина кўриниб турарди.

Ҳақиқатни аниқлаш қийин эмасди. Улар доим ярим оч юришади. Оналари уч-

тўрт кунга кетиб қолганда-ку қўяверасиз. Катта болалар сабр-тоқат қилишсалар ҳам, энг кичиги йиғлар, овқат сўради. Уни тинчлантириш учун, калтаклашар, жим бўлишини талаб этишарди.

Мана шу ёз кунни уни кўп уришди. Қизча йиқилганича, тинчиб қолди. Гўё ухлагандек эди. Катталарга шундоқ туюлди. Гўёда икки кун шу аҳволда ётганидан кейингина, акалари югуриб қолишди. Сирни яшириш учун жасадни қопга тиқиб, темир йўл бўйига ташлаб келишди.

Суюқ оёқ аёл бирданига икки боласидан ажралди. Катта ўғлини синглисини ўлдирганлиги учун жиноий жавобгарликка тортишди. Жазони ўтаб қайтганида, у қандай одам бўлиб чиқиб кетгани тасаввур қилиш қийин эмас.

С. НЕЛИН.

СУРХОНДАРЕ

Термиз туманининг «Октябрь 40 йиллиги» жамоа хўжалигида яшовчи 1972 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган икки йигит 11 июль кунини пешинга яқин ҳарбий кийим-кечак кийиб олиб, ҳарбий қисмга жўнаб кетишди. Ният яхши эмас эди. Бўлмаса ким қўйибди фуқаро одамга устини ал-маштириб олишни. Айтиш лозим, уларнинг режаси, айна кунларда бозори чаққон товар — автоматга эгалик қилиш бўлган бўлса керак, чунки уларнинг ҳаракатларидан бошқача хулоса чиқариш, ўзга фикрга келиш қийин.

Ҳарбий қисмнинг ёниги

омборида ҳеч зог йўқ эди, айна тушлик пайти-да. Қоровул эса ўз минорасида турарди ва бу иккита шубҳали «солдат»ни тўхтатди. Улар ҳар хил тушунарсиз гаплар қилавергач пастга тушиб келди. Шунга қарамай оддий солдат Мингбой Тошмуродов ҳушёрлигини йўқотгани йўқ эди. Улар иккаласидан беш одимча берида тўхтаб, ниятлари нима эканини сўради. Шунда унинг нигоҳи ҳалиги йигитларнинг қўлларига тушди. Улар ёзининг жазирамасига қарамай қўлқоп кийиб олишгани ва тўсатдан қўйинларидан газ баллончаси ва пи-

чоқ чиқариб, қоровулга ташланиб қолишди.

Мингбой уларнинг бу ҳаракатларини олдинроқ пайқаган ва автоматдан бир марта осмонга оғоҳлантириш ўқи узди. Бу ҳалиги «солдат»ларга кор қилмади. Шунда қоровул сўнгги чорани қўллашга мажбур бўлди ва уларнинг оёқларига ўқ узди.

Айни чоғда бу икки автомат ишқибози касалхонада ётибди. Дўхтирларнинг таъкидлашича аҳволлари яхши. Ўқ бирининг оёғи, бирининг чотиғи теккан экан.

Ишни ҳарбий прокуратура олиб бормоқда.

600 КИЛО ЦЕМЕНТ

Сариосиё туман ёғоч базасининг директори ноқонуний йўл билан 600 кг. цементни Афғонистон томонга ўтказиб юбормоқчи бўлганида қўлга тушди.

Директорга нисбатан маъмурий чора кўрилди.

САМАРҚАНД

Раҳмонбердига Хоразмдан наша топиш қийинлашиб қолгани, қимматлик қилгани, ишқилиб сафар халтасини орқалаб «қайдасан Самарқанд?» — деб йўлга тушди. Эшитишига қараганда бу ердан ўша ўзи излаб юрган нарсани топиш осон экан.

Эски шаҳардаги чойхоналардан бирида овқатлана туриб, ёши 60—65 лар чамасидаги бир киши билан танишиб қолди. Олдин бир оз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришгач, Раҳмонберди ўзини қийнаб турган нарсани сўради қўйди:

— Бу ерларда наша кўп бўлади, дейишганди. Қайдан топсам бўларкан-а?

— Аниқ билмайман-у, лекин Ургутнинг Чумчуқли қишлоғига бориб, сўриштириб кўринг-чи, шунчалар зарур бўлса топиб беришар, балки.

Чумчуқлида у анча-мунча тегираб юргач дўкон ёнида турган ёши 40—45 лар атрофидаги бир кишига мурожаат қилди:

— Тоға наша керак эди-да.

«Тоға» қизиқсиниб бошдан-оёқ разм солиб турдида, шубҳаланишга асос топмади шекилли, секингина сўради:

— Қанча?

МАТО

Бойсун шойи тўқиш фабрикаси директори Туркманистонда сотиш учун 4,5 миллион сўмлик маҳсулотни чиқариб юбормоқчи бўлганида сирни фохс этилди.

Тергов олиб борилмоқда. ЭХТИЁТ ҚИСМЛАР Афғонистонлик сайёҳ 200

минг сўмликка яқин машинанинг эҳтиёт қисмларини олиб кетаётганида Айритом постига ушланди.

Сайёҳга нисбатан маъмурий чора кўрилиб, эҳтиёт қисмлар мусодара қилинди.

Э. ХУДОЙШУКУРОВ,
милиция лейтенанти.

ҲАЗОРАСПЛИК НАШАВАНД

Савдо кўп узокқа чўзилмади. Раҳмонберди 6000 сўм ҳисобига 300 грамм кўкиори ширасини қўлга киритгач, уни аёллар чулкисига жойлади-ю ўнг билагига кўк рангли тасма билан чандиб ташлади.

Ҳамма иш яхши кетаётган эди, Урганчга билет олиб, эндигина автобусга минибга чоғланган эди, осмондан Ургут тумани ИИБ ходимлари пайдо бўлиб, шартта тушди, ердан чиқди, билагидан тутиди.

Наша тортиб кўрилганда 297 грамм чиқди. «Тоға» ҳам илонининг ёғини ялаганлардан экан чамаси ёки нашавадининг ўзи уйига етиб олгунча сабри чидамай, таъминоти тотиб кўрган-ми...

Ўз айбига тўла иқдор бўлган Раҳмонбердини экспертиза ҳам нашавад эканини тасдиқлади. Суд эса унга икки йил ахлоқ тузатиш муддати белгилади ва яшаш жойига даволаниш учун жўнатди. Энди Чумчуқлида нашанинг Уругига ўт қўйилди.

УРИНДИҚ ОСТИДАГИ ИККИ ЙИЛ

Отақул эса Панжикент шаҳрида яшайди. Уни Ургут

га нима етаклагани номаълум, лекин «Ленинград» жамоа хўжалиги ҳудудида уч ўртоғи билан чақчақлашиб, «Москвич»ини елдек учуриб бораётганида туман ИИБ ходимлари тўхтатиб қолишди.

У машинадан бамайлихотир тушиб келди, кўнгли тўғда, «ҳалиги» нарса мустаҳкам жойга беркирилган, манавиларнинг ҳаёлига ҳам келмади.

Лекин у ўйлагандек бўлиб чиқмади, милиционерлардан бири ичкарида ўтирган йигитларни тушириб, ўриндиқни кўтарди ва яхшилаб яшириб қўйилган бангнин топди. Ранги докадек оқариб кетган Отақул эса довдираб қолди.

Экспертизанинг хулосасига кўра Отақул Усмонов гиёҳванд эмас, ҳеч қачон истеъмол ҳам қилмаган экан. 325 граммлик банг эса ўз-ўзидан маълумки, сотишга мўлжалланган эди. Шунга кўра у суд ҳукми билан икки йиллик муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Абдуғани АБДУЛЛАЕВ, Ургут туманлараро прокурори ўринбосари.

Ижод

(Давом. Боши ўтган сонларда)

— Йўқ. Бундай одамни танишмас экан, — Ретник хомуза тортиди, керишиб ўрнидан турди. — Бориб ухлайман. Балки эртага бирор нарса ойдинлашар. Бугун бўлди энди.

— Мен ҳам турдим. Унга қараб ўқ узилган тўппонча-чи?

— Текширишди. Бармоқ излари қолмаган, машинада ҳам ҳеч вақо топилмади. Абжир қушча, лекин у ҳар ҳолда из қолдириши керак... Из қолдирмаслиги мумкин эмас.

— Мумкин. У уйқусираб менга қаради.

— Мен сенга ёрдам бердим, Рейн, энди сенинг навбатинг. Агар миянга бирор нарса келса айтурсан. Фирмулоҳаза ҳаводай зарур.

Мен берилган ёрдамни унутмасликка ваъда бердим. Кўчага чиқиб, машинага ўтирдим-да, уйимга равона бўлдим. У ерда мени юмшоқ ўрин-кўрпа кутарди.

Эртаси эрталаб соат тўққиздаёқ ишда эдим. Дарвоза олдида мени иккита машинада журналистлар кутиб турганди. Кеча ғойиб бўлиб қолганим уларни ташвишга солган, қотиллик ҳақида менинг фикримни билишмоқчи экан. Лекин мени тополмай роса жиғи-бийрон бўлишибди.

Уларни хонамга олиб кириб, бутун кун давомида полиция участкасида бўлганлигини айтишга тўғри келди. Қотиллик ҳақида улардан ортиқча нарса билмайдиман. Йўқ, бу хитойлик аёлга ярим тунда мендан нима керак бўлгани, хонамга қандай киргани хусусида ҳам бирор нарса дея олмайман. Ярим соат давомида улар мени саволга кўмиб ташлашди, лекин бирор нарса чиқара олишмади. Ниҳоят, хуноблари ошганича чиқиб кетишди.

Кундалик ишлар билан шуғуллана бошладим. Бир маҳал эшик тақиллаб, кўшим Жей Вейд кириб келди. Хона бўйлаб бир неча одим ташлади-да, уялинкараганича студим ёнида тўхтади.

— Халақит бермадимми? Бу менинг ишим эмас, албатта, аммо қизиқда: қотилни ҳали топишмадимми?

Унинг гапларидан ҳайрон бўлганим йўқ. Шунақа кишилар борки, жиноятдаги сир уларни ўзига оҳанграбдек тортади.

— Йўқ. Билмадим бу ёрдам берадими, йўқми, — дея мулоим давом этди у, — лекин кеча тахминан соат еттиларда телефонингиз қаттиқ жиринглагани ёдимга тушиб қолди. Узоқ жиринглади. Бу сиз кетганингиздан кейин юз берди.

— Телефоним доим жиринглаб туради, шундай бўлса ҳам раҳмат, сизга. Бу ҳақда лейтенант Ретникка айтаман.

У калта қирқилган сочларини силаб қўйди. — Мен шунчаки ўйловдимки... Ахир қотиллик тафтиш қилинаётганда арзимас нарса ҳам муҳим, — у бир оз бесаранжомланди. — У хонангизга қандай кирди экан? Қизиқ, тўғри эмасми? Ўйлайманки, бу билан ташвишингиз яна ҳам ортса керак.

— Уни хонамга қотил олиб кирган. Ташвишларим ҳам кўпаймади.

— Унда яхши. У кимлиги маълумми?

— Исми-шарифи. Жо-Эн Жефферсон, гонконглик.

— Жефферсон! — Вейд ҳангу-манг бўлиб қолди. — Менинг Герман Жефферсон деган оғайним бўлар экан. Гонконгга кетиб қолган. Мактабдош ўртоғим.

Мен курсига ястаниб, оё-

гимни столга қўйдим.

— Ўтиринг. Агар истасангиз Герман ҳақида гапириб беринг. Хитойлик аёл унинг хотини.

Вейд данг қотиб қолди. Менга тикилиб турган кўзлари косасидан чиқиб кетай дерди.

— Германнинг хотини? У хитой аёлига уйланган эканми?

— Шунақага ўхшайди.

— Ана холос, жин урсин! Бир дам ўйланиб турди-да давом этди:

— Мени ҳайрон қилган нарса бу эмас. Хитойлик аёллар анча кўхлик бўлишади деб эшитганман. Лекин бу янгилик унинг отасини жуда хафа қилган бўлса керак деб ўйлайман, — у қовоғини уйиб, бошини чайқади. — Бу ерда нима қилмоқчи экан?



— Шу ерда кўмиш учун эрининг жасадини олиб келган.

У яна тарашадай қотиб қолди.

— Сиз нима, Герман ўлган демоқчимисиз?

— Ўтган ҳафтада... автомобиль ҳалокати.

Янгилик Вейдни ларзага солган эди. Маъносиз нигоҳи узоқларга тикилиб қолган, эшитганларини сингдира олмаётганлиги кўриниб турарди.

— Герман... ўлган! Кечирасиз, — шивирлади у. — Отаси учун қандай кулфат бу.

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Сиз уни яхши билармидингиз?

— Нима десам экан, унчалик эмас. Биз мактабда бирга ўқиганмиз. У шум бола эди. Доим қандайдир қўнғилсизликларга тушиб қоларди: гоҳ қизлар билан, гоҳ мотоциклда ким ўзарга пойга, лекин унга қойил қолардим. Болаларга хос бундай мойиллик туйғуси сизга танишдир эҳтимол. Кейинчалик, коллежга ўқишга кирганимдан кейин у ҳақдаги тасаввурим ўзгарди. Йиллар ўтса ҳам унинг ақли кирмаганди. Узлуксиз ичкиликбозлик, жанжаллар, бошқа шунга ўхшаш можалар. Мен ундан воз кечдим. Бу қилқилларидан ниҳоят отаси ҳам безор бўлди ва уни Шарққа жўнатиб юборди. Бу беш йил муқаддам бўлган эди. У ерда отасининг корхоналари бор, — Вейд оёғини чалкаштириб ўтирди. — Демак, у хитой аёлига ўйланибди-да. Таажуб.

— Бунақа воқеалар уч-

раб туради, — деб қўйдим мен.

— Автомобиль ҳалокати, дедингизми? У доим шундай фалокатларга учраб турарди. Илгари ҳалок бўлмаганидан ажабланиман. Вейд менга билинар-билимас кўз ташлади. — Биласизми бу воқеа мени ўлгудай қизиқтириб қўйди. Аёлни нега ўлдиришган экан-а?

— Полиция худди мана шунини аниқлаш билан овора.

— Бош оғринингиз ўзи бу, тўғри эмасми? Мен сиз унга нима учун керак бўлиб қолганингизни назарда тутаялман. Бунда қандайдир сир яширинган бўлса керак, тўғрими?

Унинг гаплари жонимга тега бошлаган эди.

— Ҳа.

Девор ортидан телефон жиринглаши эшитилди. У

Тушгача ҳеч нима рўй бергани йўқ. Жей Вейдга ҳавасим келарди: унинг телефони тийимсиз жиринглади, ёзув машинкаси ҳам бир зумга тўхтамасди. Унинг иши меникидан анча кўп. Яхшиямки сирли мистер Хардвик мени очлик балосидан камида икки ҳафтага қутқарган.

Шундай қилиб, ҳеч қандай мижоз келгани йўқ. Соат бирларда анъанавий сандвичимни еиш учун бистрога тушдим. Спарроу банд эди. Гарчи, бечорани қотиллик ҳақида мен билан валақлашиб истаги қийнаётган бўлса ҳам, савол бера олмасди.

Вақт ўтгач, Пасаденанинг нозиктаб маскани — Бич-Драйвга равона бўлдим. Бу ердаги шахсий, пляжларга эга уйларда дунё ташвишларидан нарироқда турмоқчи бўлган кишилар яшашарди.

Кутганимдай Бич-Вьюнинг дарвозаси очиқ эди ва мен меҳр билан парвариш қилинган гулзор ва майсалар орасидаги йўл бўйлаб машинамни яна қирқ газча ҳайдаб бордим.

Уй улкан ва эскича услубда қурилган бўлиб, қашаматли эшикка олтига мармар пиллапойдан кўтарилиш керак, ёнида қўнғироқ занжири осилиб турарди.

Уни тортиб жиринглаганимда сўнг, бир дақиқа ўтгач, эшик очилди. Тўнд башарали дарвозабон қуюқ қошларини уюб, савол назари билан менга қаради.

— Нельсон Рейн, — ўзимни таништирдим. — Мени кутишмоқда.

У четга ўтиб, зил-замбил қора мебель билан жиҳозланган даҳлизга киришимга йўл берди. Ортидан юриб, ноқулай курсилар қўйилган чоғроқ хонага кирдим. Столда жимжималор суратли журналлар ялтириб турибди: хона кўпроқ шифокор қабулхонасини эслатарди. У курсилардан бирига ишора килди-да чиқиб кетди.

Дераза олдида турганимча лентиз манзарасини томоша қилаётганимга ўн дақиқача бўлганда эшик очилиб, бир қиз кириб келди.

Иигирма уч билан ўттиз ёшлар орасида, бўйи ўртадан бир оз баландроқ, сочлари қора, кўриниши мафтункор ва лекин жиддий. Ним-кўн кўзлари ақлли ва зийрак. Олми кўн либоси остида ажойиб бадани сезилиб турарди. Фақат бўйни очиқ, кўйлагининг узунлиги ҳам жойида.

Кутиб қолганингиз учун узр сўрайман, мистер Рейн, — деди ва совуқина кулиб қўйди. — Мистер Жефферсон сизни кутаяпти.

— Сиз унинг котибасини сиз, — дедим мен, беғубор овозини эслар эканман.

— Ҳа, Жанет Вест. Кузатиб қўйишимга рухсат этинг. Биз яшил мато сирилган эшикдан кенг, эскича мебель ўрнатилган, аммо шинам хонага кирдик. Унда узун китоб жавонлари бўлиб, ойнаванд эшигидан баланд девор билан ўралган, ранго ранг гуллар экилган боқча чиқса бўларди.

Ж. Вильбур Жефферсон очиқ эшик ёнидаги гилдиракчалар ўрнатилган тебранама курсида ярим ётиб олганди: баланд бўйли, қотма, қирғийбурунлари катта, баданининг ранги эски фил суяги сингари сарғайиб кетган, сочлари оппоқ, томирлари бўртиб чиққан, лекин қўллари ўта нозик, киборлар тонфасига мансуб чол. Эғинада оқ сурдан тикилган либос, оёғида кийик терисидан ясалган оқ пойабзал. Жанет ҳамроҳлигида боқча кирган заҳотим, мен томонга ўтирилди.

— Мистер Рейн, — деди қиз ва менга йўл бериб, чиқиб кетди.

— Мана бу ерга ўтиринг, — деди Жефферсон ёнида турган курсини кўрсатиб. — Қўлогим яхши эшитмайди, шунинг учун баландроқ гапиришингизни сўрайман. Чекишни истасангиз... чекинг. Бу зарарли одатдан мана олти йил бўлдики, воз кечинимга мажбур этишган.

Мен чекмай қўя қолдим. Сигарет тутуни унга ёқмаслиги мумкин деб ўйладим. Ўз вақтида у сигарани афзал кўрган бўлса керак.

— Сиз ҳақингизда суриштириб кўрдим, мистер Рейн, — дея гап бошлади у, анчагина давом этган, сукутдан сўнг. Кўзлари тешиб юборадигандай тикилардики, гўё чўнтакларимда нима борлигини, ўнг елкамдаги холди кўриб тургандай, картмонимда қанча пулим борлигини билиб олгандай туюлар эди. — Менга сизни анча тузук, ишончли ва эҳсуши жойида одам деб айтишди.

Қизиқ, ким унга бундай деган экан... Мен уялинкараган очиқ қўнғил киши қиёфасига кириб, жим ўтиравердим.

— Сизни бу ерга таклиф қилишга мажбур бўлдим, — гапила давом этди у, — сизга қўнғироқ қилган нотаниш киши ҳақида, хонангизда хитойлик аёл ўлигини қандай топиб олганингиз тўғрисида ўз оғзингиздан эшитмоқчи эдим.

У аёлни келиним деб атамади... «хитойлик аёл ўлигини» деганда эса лаби жирканчдан чўччайиб, овозида нафрат оханги пайдо бўлди. Тушунарли, бундай кекса ва омади юришган мутаассибни ўғлининг осийлик аёлга ўйланиши хурсанд қила олмасди, албатта.

Ўзимга маълум нарсаларни ҳеч бирини яшириб ўтирмадим, шунингдек баланд овозда гапириш кераклигини ҳам унутмадим. Мен гапимни тугатгач, у шундай деди: — Раҳмат, мистер Рейн. Билмайсизми, у сиз билан нега учрашмоқчи бўлган.

— Ҳатто, тасаввур ҳам қила олмайман.

— Худди шунингдек, уни ким ўлдирганини ҳам билмайсиз?

— Йўқ, — бир оз жим турдим-да, қўшимча қилдим. — Лекин ўзини Хардвик деб таништирган одам, ҳар ҳолда, бу ишга алоқадор бўлиши керак.

— Ретникдан умидим йўқ, — деди Жефферсон. — У қип қизил аҳмоқ, лавозимини ҳам тасодиф тугайли эғаллаб турибди. Ўғлининг хотинини ўлдирган киши топилишини истайман, — у ишиб кетган томирларига қараб, тундлашди. — Таассубки, ўғлим билан муносабатимиз кўнғилдагидай эмасди. Иккалаимиз томондан ҳам хатолик ўтди. Лекин энди, у ҳалок бўлгандан кейин, мен сабр бардошли бўлишим керак. Айни мана шу сабр-тоқатнинг камлиги ва менинг қаттиққўллим уни жаҳолат ва бебошлик йўлига бошлаганди. У ўйланган аёли ўлдиришди. Қотилни топмагунча ўғлим тинчимасди. Мен уни жуда яхши билардим, шунинг учун бунга ишончим комил. — Энди ўғлим йўқ. Ҳозир қилинадиган биринчи нарса — хотинининг қотилини топиш. Агар бунинг улдасидан чиқилса, қандайдир миқдорда орамиз очиқ деб ҳисоблаган бўлур эдим, — у бўшлиққа тикилганича жим бўлиб қолди, юзлари жонсизланиб, гамга ботди. Жефферсон мунқиллаб қолгандай ва лекин ўта қатъий кўринарди. Менга қарар экан, шундай деди:

(Давом. Кейинги сонда).

Табиатни асрайлик.

ЎЗБЕКИСТОН
ҲАЙВОНОТ ОЛАМИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ МАҚСАДИДА

Ўзбекистон ҳайвонот олами бой ва ранг-баранг. Республикада 400 дан кўпроқ турдаги қушлар, 100 га яқин тур сут эмизувчилар, 80 хил балиқ ва бошқа ҳайвонлар мавжуд. Лекин уларнинг тури нақадар кўп бўлмасин, ҳайвонот оламиндан оқилона фойдаланиш ҳақида ўйлаш керак. Ҳозирги пайтда нарх-наво кескин кўтарилмоқда. Шу туфайли айрим кишилар табиат ҳисобига бойишга интилмоқдалар. Улар атроф муҳитга етказиладиган зарар ҳақида мутлақо ўйлашмайди. Бунинг оқибати ўта аянчли бўлиши мумкин. Кейинги уч юз йил мобайнида ер юзидан 60 дан ортиқ ҳайвон тури, 100 хилга яқин қуш йўқолиб кетди, яна 120 турга яқин сут эмизувчилар, 180 хилдан ортиқ қуш йўқ бўлиш арафасида. Бу борада Ўзбекистон ҳайвонот олами ҳам хавф остида. Республика Қизил китобига 63 ҳайвон тури киритилган, ки-

тобнинг янги наشريда уларнинг сони янада кўпаяди.

Давлат биология назорати — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қопидаги Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш бош бошқармаси браконьерлик — ёввойи ҳайвонларни қонунга ҳилоф равишда овлашга қарши чора-тадбирлар кўрмоқда. Масалан, фақат ўтган йилнинг ўзидагина табиатни муҳофаза этиш қонунлари бузилган 4 мингга яқин жиноят очиб ташланди. Шуниси ачинарлики, қонунбузарларнинг асосий қисми овчилар ва балиқчилар жамиятининг аъзолари ташкил этишади.

Уларга қарши турли олдини олиш чоралари кўрилди, радио ва телевидение, матбуотда чиқишлар уюштирилди. Лекин бу тадбирлар қўтилган натижа бермади. Шундан сўнг «пул билан жазолаш» йўлини қўллашга қарор қилинди. Бизнинг назаримизда бугунги кун учун бу энг самарали усул. Бунинг устига ундирилган маблағларнинг катта қисми қўриқлаш ишлари ва қайта тиклаш тадбирларига берилмоқда.

Қизил китобга киритилган ҳайвонларни қонунга ҳилоф равишда овлаганлик учун солинадиган жарима миқдорлари белгиланди: қоплон, айиқ, сиртлон, бурча шохли эчки, кийик ва жайрон учун 20 минг, силовсин, сувсар учун 15 минг, лочин, бургут каби қушлар учун 10 минг, оққуш, тўхтатуволоқ сингарилар учун 5 минг сўм жарима солинади.

Ов қилиниши таъқиқланган ёки мумкин бўлса ҳам ноқонуний йўл билан ўлдирилган қобон, тоғ эчкиси, буғи, оққўйруқ, савсар, сассиқ қузанлилар, суғур учун 2,5 минг, турна, улки учун 2

минг сўм тўлашга тўғри келади.

Кейинги пайтда табиий мўйнага талаб ошиб кетди, оқибатда ондатра, тулки, чиябўри овлаш ҳам кўпайди. Уларни ноқонуний овлаш «нархи» ҳам 1 минг сўмга «етказилди».

Бўрсиқ, жайра, ёввойи мушук, оқсичқон учун бир оз камроқ 700 сўм, қирғовул учун 500 сўм жарима белгиланди.

Овчиларнинг эътиборини қушларни рухсатсиз отганлик учун тўланадиган жарималарга ҳам қаратмоқчимиз. Бир дона ғоз учун 400, ўрдак, қалқикка 250, қалтар, мусича, бедана учун 50 сўм ундириб олинади. Сайроқи қушларни ноқонуний овлаш учун ҳам жарима белгиланган.

Юртимизда балиқ битмас-туганмас, деб ўйладиганлар хато қилишади. Қўл, дарё ва сув омборларида овланаётган балиқ миқдори йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бунинг сабаблари кўп. Сувларни ифлослантириш уруғ сочишга кетаётган балиқлар йўлини тўсuvчи тўғонлар қуриш маън қилинган пайтда таъқиқланган воситалар билан ов қилиш ана шулар жумласидандир.

Келтирилган зарар учун солинадиган жарима миқдори қуйидагича: лаққабалиқ учун 500, зогорабалиқ, оққайроқ учун 100, бошқалари учун 50 сўмдан 10 сўмгача қилиб тасдиқланди.

Судралувчилар: заҳарли илонлар, тошбақа ва калтакесаклар ҳақида алоҳида тўхталиш зарур. Кейинги пайтда бозорда заҳарга талаб кучайди — 1 кг заҳар учун юз минг сўмлаб пул таклиф этишмоқда. Жониворларнинг ўзига ҳам катта пул тўланади. Илон боқиб, заҳар олувчи кичик корхоналар, кооперативлар, аралаш ширкатлар жуда кўпайиб

кетди. Хусусий «корчалонлар» ҳам улардан қолишмасликка ҳаракат қилишмоқда. Овлаш мумкин бўлган ҳамма нарса ташиб кетилиб, сотилмоқда.

Шуларни ҳисобга олиб, уларни тутувчиларга ҳам жарима солинмоқда. Жарима миқдори: эчкемар ва кўзойнакли илон учун 10 минг, бошқа судралувчилар учун 5-6 минг сўм.

Шунга эътибор бериш керакки, қўриқланадиган жойларда (қўриқхоналар, миллий парклар, ихтисослаштирилган парваришхоналар ва ҳ. к.) ёввойи ҳайвонларни овлаганлик учун жарима уч карра миқдорда олинади.


Ҳайвон ҳамда қушларнинг ин ва уяларини бузганлар, қуш ва судралувчиларнинг тухумларини ўғирлаганлар, ёввойи ҳайвонлар яшайдиган ерлардаги қамишзорларни ёқиб юборганлар, тўқайзорларни хароб қилганлар учун ҳам жарима солинади. Фалокатга учраган ёки ёнган, сув тошқини, қор кўп ёққанлиги туфайли ем камайиб кетганда ночор

қолган ҳайвонларни, шунингдек кечаси транспорт воситаларидан туриб, ёриткичлар ёрдамида ов қилганлардан ҳам уч карра миқдорда жарима олинади.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, ёввойи ҳайвонларни, уларнинг тулувларини, ов маҳсулотларини, зоология коллекцияларини ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларни Ўзбекистондан четга олиб чиқиб кетиш маън қилинади. Давлат биология назоратининг рухсати бўлган тақдирдагина бунга йўл қўйилади. Бу қоида ёввойи ўсимликларга ҳам тааллуқлидир.

Овчилар белгиланган қонун-қоидаларга амал қилдилар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ишида давлат идораларига яқиндан ёрдам берадилар деган умиддамиз.

Г. ГОНЧАРОВ,
Давлат биология назоратининг катта мутахассиси.

Тарихий обидаларга
муносабат шуми?

Жумҳуриятимиз мустақилликка эришиб халқимиз қадимий урф-одатларимизни, ота-боболаримиздан мерос қолган эзгу ишларини қайта жонлантиришга киришган айни пайтда тарихимизнинг бебаҳо хазиналаридан бири бўлмиш Бухорои шарифда ҳам амалга оширилаётган савобли ишлар элас-элас кўзга ташланиб қолмоқда.

Аммо кези келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, қилинаётган ишлар дарёдан томчидек холос, улар ҳам бўлса сусткашлик билан амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, тарихий обидалар, минораю мадрасалар, масжиду хонақоларни умуман айтганда, ажодларимиздан мерос бўлган қадимий ёдгорликларни қўз қорачигидек асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга бус-бутунлигича етказиш зарурлиги ҳақида кўп бор гапирилган. Лекин Бухородек кўҳна-шаҳри азим ҳақида сўз юритилар экан, бу ҳақда қанча гапирмайлик барибир оз, амалий иш зарур, чунки аксарият гап гапигича қолмоқда.

Оддий бир мисол сифатида шаҳримизнинг Ленин ва Амирий кўчалари ўртасидаги (жойлашган ўрнини қаранг) «Турсунжон» мад-

расасининг аҳволи тўғрисида сўз юритишнинг ўзи кифоя, деб ўйлайман. Шуниси ажабланарлики, бухоролик кўлаб кишилар, айниқса ёшлар ҳанузгача мадрасанинг номини ҳам билишмас экан. Лекин бу борада уларни айблашга ҳаққимиз йўқ, чунки ҳаёт, шарт-шароит уларни шу куйга солиб қўйган бўлса, уларда не айб? Бундан 30-40 йиллар муқаддам бу мадраса рўпарасидаги пишиқ гиштдан қурилган, шинам ва ғўзал бир хонақоҳ «эскилик сарқити» сифатида вайрон этиб ташланган. Қарийб юздан ортиқ ҳужрага эга бўлган мадрасанинг ўзи эса анча вақт ташландиқ ҳолда ётган.

Ҳазрати Имом қабристонини қоровули Саид ака Раҳматовнинг ҳикоя қилишларича, сўнгги ўн йилларда бу мадраса ҳужралари бошпанга муҳтож бўлган ўрис оғайиларимизга берилган экан. Кейинчалик эса бу ерда «Прокат» идорасини жойлаштирилган.

Қадимдан илму маърифат ўчоғи ҳисобланиб келган бу қутлуг даргоҳида «Пойабзал» тузатиш устaxonаси» ҳам яқин кунларгача фаолият кўрсатиб келганлиги эса дилимизни хуфтон этади. Яхшиямки, бу хато бироз бўл-

са-да тузатилиб, «Пойабзал устaxonаси» мадрасадан қувғин қилиниб, бугунги кунда у ерда «Тандирсозлик», «Сартарошлик» ва «Заргарлик буюмлари» устaxonалари фаолият кўрсатмоқда. Кўча бошида жойлашган симёғочдаги «Пойабзал тузатиш устaxonаси мадрасада» деган ёзув эса шаънинизга айтилган ҳақоратдек, дилларни хижил қилганча, ҳануз осифилигича турибди.

Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтишни истардим, «Мир Араб» мадрасасидек улуг дин масканида илм толибларининг сони кундан-кун ошиб, уларни жой билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш учун катта миқдорда пул сарфлаб, янги-янги қурилишларга ортиқча маблағ сарфлагунча, шаҳримиздаги «Турсунжон» каби мадрасалардан шу толибларни жойлаштириш учун фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлмасмиди.

Энди икки оғиз сўз, азалдан муқаддас ҳисобланиб келинган Бухоро кўчаларининг покизалиги, мутасадди ўртоқларнинг бу борада амалга ошираётган ишлари хусусида.

Ўз ҳовлисида чикқан ахлатларни челақлаб, «Шохруд»га ташлаётган пайтида

ушланган, Ленин кўчасида яшовчи Ҳасан Исмоилов ёки ўз уйи атрофини ахлат ва чиринган сабзавотлар маконига айлантириб, теварак атрофни бадбўй чиринди ҳидга тўлишига сабабчи бўлган, К. Маркс кўчаси, 234-хонадон соҳиби Жалил Ақобиров каби кимсалар наҳотки поклик муқаддас нарса эканини унутиб қўйишган бўлишса? Улар бу бемаъни ҳаттиҳаракатлари учун жарима тўлашиб, чўнтақларига бироз малол келдику-я, аммо мудроқ виждонлари бир оз бўлса-да қийналдимикин?!

П. Неруда кўчасида яшаб, 1-сонли савдо дўконда ишловчи Истам Жўраев ўз «пирхона»си, яъни иш жойининг тозаллигини талаб даражасида сақлай олмаганлиги учун, Бухоро гишт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ҳайдовчиси Фазлиддин Нисёзов эса ўз ишхонасидан машинасига юклаб чиққан ахлатни шаҳарнинг ахлат тўкиши маън этилган жойига ағдариб қочмоқчи бўлганлиги учун жарима тўлаган. Бундай мисолларни кўлаб келтириш мумкин. Шу йилнинг 5 ойи мобайнида озодалиқка риоя қилмагани учун 3225 киши маъмурий жавобгарликка тортилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб

ўтиш керакки, Бухоро, Ромитан, Шофиркон, Қорақўл ва Тўқимачилик туманларининг маъмурий чора кўриш комиссиялари бундай ҳуқуқбузар шахсларга нисбатан ўз вақтида қатъий жазолар бермасликлари оқибатида салбий ҳолатларни бартараф этиш анча мушкул кечмоқда.

Кишини ажаблантирадиган яна бир одат мавжудки, қачонки пойтахтдан бирор комиссия ёки каттароқ раҳбар келадиган бўлди, дегунча ҳаммаёқни супурги кўтарган фаррошу кўча тозаловчилар босиб кетиб, бир зумда кўчаю хиёбонларни ёғ тўкса ялагудек қилиб қўйишади. Гўёки тозаллик фақатгина комиссия учун керакдек.

Аммо кўчаларнинг бу даражада ифлос бўлишида фақат фаррошларининггина айб-лаш инсофдан бўлмас, бир томондан тозалаб кетане-ришсаю иккинчи томондан кимлардир уларнинг меҳнатини оёқости қилиб булгаб ташлаверишса аҳвол яхшиланармиди?!

Ахир ўз юртимизни ўзимиз пок тутмасак, бирор четдан келиб бу ишни ҳал қилиб бермайдик.

Зикрлала НЕЪМАТОВ,
милиция катта лейтенанти.

БУХОРОНИ ПОК ТУТИНГ

Ҳар соҳада

БИР ОЛАМ
КУЛГИ

— Мен врачга жуда кам мурожаат қиламан. Кўпроқ китоблардаги қўлланмаларга қараб даволанаман.

— Ундай бўлса, бир кунмас бир кун китобдаги хатоликдан ўлиб кетасан.

* * *

— Нега кейинги пайтда ўйчан юрадиган бўлиб қолдинг?

— «Перпетуум мобил» ихтиро қилмоқчиман.

— У нима?

— Ҳозир худди шу ҳақда ўйлаётганман-да...

* * *

Электр жиҳозлари дўкониди:

— Марҳамат қилиб битта куйган лампочка беринг!

— Куйган? Нега?

— Уйимдаги битта хонани қоронғу қилмоқчиман.

* * *

Бир кишининг қорни оғриб қолди. У жарроҳга учраб деди:

— Менинг қорним оғрипти.

Жарроҳ унга қаради-да:

— Қулоғингизни кесиш керак, — деди ҳазиллашиб.

У киши қўриб хонадан чиқиб кетди. Сўнг рўпарадан ке-

лаётган болалар дўхтирига арзини айтди:

— Қорним оғриётганди, жарроҳга учрасам, у қулоғингни кесиш керак деди.

— Эҳ, бу ҳамма жарроҳлар бир хил, — деди педиатр. — Уларга қўйиб берсанг ҳамма жойингни кесиш ташлашади. Мен тугма дори бераман, ичсангиз қулоғингиз ўзи узилиб тушади.

* * *

Жак яқинда бир бой савдогарнинг қизига уланган дўстининг уйига меҳмонга келди. Келинни кўрди-ю, дўстига пичирлади:

— Унга нега уйландинг? Кўзи ғилай, оқсоқ, бунинг устига дудуқлиб гапирар экан.

— Каттиқроқ гапирар, у эшитмайди, — деди дўсти бақириб.

Русчадан Адҳам ҲАМИДОВ таржимаси.

БИРИНЧИ НАВБАТДА
ИҚТИСОД

Абрам уйга велосипед етаклаб келди.

— Буни қаердан олдинг? — сўради хотини.

— Дугонанг Светани кўриб қолдим, у мени уйига таклиф қилди. Бирга овқатландик. Кейин Света тиззамга ўтириб:

«Азизим, хоҳлаганингни ол!» — деди ва мен велосипедни таниладим.

ВАЪДА ҚИЛИНМАГАН

— Жаноб Горбачев, айтаяпсизки, мамлакат бозорга қараб кетмоқда, халққа эса ейишга ҳеч нарсаси йўқ.

— Тўғри. Йўлда ҳеч ким овқатлантирмаман деб ваъда бермаган.

ҲЕЧ ҚАЧОН

Василий Иванович билан Петка чўкиб кетган олтин тўла кемани топишди. Чуқур-чуқур нафас олиб шўнғиб кетишди. Василий Иванович чўнтақларини тўлдириб тилла тангалар солиб олди, Петка эса тилла тож ва аллақандай занжирни ушлаб олганди. Иккаласи қирғоққа сузиб келишарди:

— Василий Иванович, ортиқ сузолмайман.


— Чиди, Петка, озгина қолди.

— Чидолмайман, бўғилаяпман!

— Тожни отиб юбор, бўлма-са чўкиб кетасан!

— Майли, тожни ташлавораман, кемани эса ҳеч қачон!

«Юридическая газетаси»дан таржима.

Диққат! Шошинч эълонлар,
рекламалар, билдирувлар
хизмати ишга тушди.

«ПОСТДА» газети ҳозиргача чоп этилаётган тегишли мазмундаги эълонлар билан бир қаторда:

● Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, кооперативлар, концернлар, ассоциациялар, кичик корхоналар, ижарачилар ва шахслардан рекламалар;

● Йўқолган буюмлар (ҳужжатлар ва ҳоказо) ҳақида билдирувлар;


Хусусий мулкни алмашиш, сотиш ва сотиб олиш (уй, автомобиль, видеоаппаратура, қурилиш материаллари ва бошқалар) тўғрисида эълонлар қабул қилади.

Бизнинг газетада реклама, эълон ва билдирувлар бериш сиз учун жуда қулай.

Телефонлар: 54-37-91; 39-77-23; 39-70-40;

Манзилгоҳимиз: 700029, Тошкент, Г. Лопатин кўчаси, 1. Қабул соат 9-00 дан 18-00 гача.

БОШҚОТИРМА



Кўрсатилган шаклда нечта тўртбурчак ва учбурчак бор? Тузувчи: Дилёр РАҲМАТОВ.

8 июль сониди берилган «БОШҚОТИРМА»нинг ЖАВОБлари:

БЎИИГА: 1. Хумоюн; 2. Дўлма; 3. Арника; 5. Мактуб; 6. Обаки; 7. Аккорд; 9. Амири; 13. Қирғовул; 15. Кучланиш; 16. Тасман; 17. Ақобир; 21. Хужра; 23. Олхўри; 25. Исфара; 26. Ананас; 27. Олакўл; 29. Ането; 30. Янтоқ.

ЭГНИГА: 1. Ҳандалак; 4. Амазонка; 8. Миллион; 10. Камалак; 11. Исмаи; 12. Юпка; 14. Икар; 16. Тажриба; 18. Ариза; 19. Кулча; 20. Авага; 22. Икона; 24. Нилуфар; 28. Лола; 30. Яшил; 32. Зерча; 33. Нуқта; 34. Избоскан; 35. Истиқлол.

ҚИДИРИЛМОҚДА



1973 йилда туғилган Гулнара Гурезович Боев 1992 йил 20 май куни Қозғистоннинг Приозёрск шаҳрида хизмат жойидан ўз ҳолича чиқиб кетган ва Норақ шаҳри яқинидаги Чал-Чал қишлоғига, ўз уйига йўл олган. Уни охириги марта июль ойининг бошларида Тошкент темир йўл вокзалида кўришган.

Белгилари: бўйи 178-180 см. гавдаси ўртача, сочлари қора, кўк рангли спорт либосида бўлган.

У ҳақда бирор нарсаси билган кишилардан 02, 56-96-27, 56-72-67 (Тошкент шаҳар ИИБ) телефонларига қўнғироқ қилишларини ёки 735300

Норақ шаҳар Чал-Чал қишлоғи 28 уй Гурез Боевга хабар қилишларини сўраймиз.

* * *

Навоийлик ўн беш ёшли Наргиза Дилмуратовна Яхшиева 1992 йил 27 февраль куни уйдан чиқиб кетганича изи йўқолган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, гавдаси тўладан келган, сочлари қора, елкасига тушиб туради, юзлари чўзинчоқ, қиррабурун, юзининг ўнг томонида беш тийинлик тангадай келадиган доғи бор, чап билагининг юқори қисмида ҳам аниқ кўриниб турадиган чандиқлар бор.

Н. Д. Яхшиеванинг қаердалиги ҳақида бирор нарсаси биладиган кишилардан 02 телефонига қўнғироқ қилишларини сўраймиз.



ЭЪЛОН

Низомий номидаги Тошкент Давлат муаллимлар тайёрлаш олийгоҳи томонидан Исамуҳаммедова Сайёра Тўлқиновна номига 1983 йилда берилган диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳридаги 81 ўрта мактаб томонидан 1991 йилда Ҳақимова Лобар ИҶЛДОШЕВНА номига берилган А № 033701 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

* Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт. * Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, оқиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. * Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин. * Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмаҳонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-26-56, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 84615.

Муҳаррир — Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Г. Лопатин кўчаси, 1.